

БУХОРО МЕЪМОРИЙ ОБИДАЛАРИНИНГ САЙЁҲЛАР УЧУН АҲАМИЯТИ

Камолиддин Бехзод номидаги МРДИ

"Санъат асарлари ва меъморий ёдгорликларни таъмирлаш" кафедраси

II-босқич магистратура талабаси М.Махмудов

Бухоро – Марказий Осиёнинг Балх, Ҳирот, Марв (Мари), Самарқанд, Термиз, Насаф (Қарши), Чоч-Шош (Тошкент) ва Хоразм (Хива) каби қадимий шаҳарлари орасида муносиб ўринга эга.

Кўп асрлар давомида Бухоро Мовароуннахрнинг йирик савдо-хунармандчилик ва маъмурий маркази ролини сақлаб келган. Яқин ва Ўрта Шарқ давлатларини Ҳиндистон, Хитой билан боғлаган савдо йўлининг асосий шохобчаси ушбу шаҳардан ўтган эди. Қадимда Бухоро неча бор босқинчилар талафотига дучор бўлди, аммо шаҳар харобалари қайта-қайта тикланиб, Турони замининг маданий-маърифий марказига айланди. Шаҳар кўп асрлар давомида Бухорхудоғлар (V-VII аа.), Сомонийлар (IX-X аа.), Шайбонийлар (XVI а.), Аштархонийлар (XII-XVIII аа.), Бухоро амирлиги (XVII-XIX асрлар боши) давлатларининг пойтахти бўлиб келди.

Ёзма манбаларда Бухоро атамаси хитой сайёҳи Сюань Цзань (милодий 650-йиллар) томонидан биринчи марта қайд этилган. Мазкур ном суғд транскрипциясида Варахран тангаларида учрайди. Жувайний (XII а.) маълумотларига таянган ҳолда қатор олимлар у санскритчадаги “Vihara” – “Будда ибодатхонаси” дан келиб чиққан дейишади, шу билан бирга, бошқа тахмин ҳам мавжуд, унга кўра “Vikara” топоними – суғдчадаги “вихатак” – “бахтли ер”ни англатади.

Шаҳарнинг хитой ва араб ёзма манбаларида учрайдиган Нуми, Наулум, Нумижкат ном вариациялари ҳам суғдча “Namich” – “таниқли”, “бош” атамасидан келиб чиққан.

Ўрта асрлар даврида исломий фан ва шарқ маърифати тараққиётига қўшган бекиёс ҳиссаси эътирофи сифатида шаҳар “Қуббат ул-ислом” ёки “Бухоройи шариф” деб шарафланган. Муҳаммад Наршахий (Абу Бакр)нинг “Бухоро тарихи” рисоласи шаҳар тарихи бўйича асосий манба ҳисобланади, унга кўра шаҳарга VI асрнинг 60-80- йилларида Турк ҳукмдори Шири Кишвар асос солган.

Фирдавсий “Шоҳнома”да Бухорони афсонавий Сиёвуш (авесточа Сияваршан), шоҳ Кайковус (Кави-Уса)нинг ўғли қурган дейди. Ўрта асрлар

муаллифи Абулҳасан анжНишопурий Бухоро вилоятида Сиёвушнинг истехком кургани ҳамда шарқий дарвоза олдида кўмилгани ҳақида маълумот беради. XIX асрнинг кўплаб тадқиқотчилари Птоломей Бухорони Окс ва Яксарт оралиғида деб белгिलाган Трибақтра билан қиёслашади. Мустақил мамлакат сифатида Бухоро бошига тиарра – кулоҳ кийган маҳаллий ҳукмрон тасвири туширилган ва сўғд тилидаги афсона илова қилинган ўз тангасини зарб қилади.

Академик Я.Ғуломов раҳбарлигидаги қадимшунослик тадқиқотлари шаҳар тарихини ўрганишда алоҳида аҳамият касб этади. 1970-1980 йилларда Бухоро ҳудудида комплекс қадимшунослик тадқиқотлари, жумладан, Бухоронинг эски шаҳар қисмида қазув ишлари олиб борилди. Уйлар зич жойлашгани сабаб тадқиқ ишлари эҳтиёткорлик билан, “Зиндон”, Минораи Калон, Мир Араб мадрасаси, Тоқи Заргарон қуббаси ва Абдуллахон Тими, Арк майдонининг шарқий қисми ва майдони 11-13 га келадиган қадимий Шаҳристон каби меъморий ёдгорликлар билан ёнма-ён олиб борилди.¹

Натижада Бухоронинг қадимий қатламлари 14 м дан 20 м етгани ва Наршаҳий қайд этганидек, шаҳар ботқоқ жойда қад кўтаргани аниқланди. Турли тарихий даврларга мансуб топилмалар шаҳарнинг пайдо бўлишидан тортиб то XX аср бошигача бўлган даврни қамраб олади. Милоддан аввалги I мингйиллик ўртаси деб саналган дастлабки маданий қатламлар Арк ва Шаҳристон ҳудудлари аниқланган.

Археологик ишлар жараёнида олиган бой артефактлар мажмуининг таҳлили Бухоронинг 2500 йиллик тарихга эга эканлигини асосли равишда исботлади ва Зарафшон водийсидаги урбанизациянинг ўзига хос жараёнларини ўрганишга асосий манба бўлиб хизмат қилди.

Археологик-топографик тадқиқотлар натижасида, IX асрга келиб Бухоро бир неча деворлар билан ўраб олинганлиги, улар шаҳар ва унинг атрофини муҳофаа қилганлиги аниқланди. Ташқи муҳофаа девори 11 дарвозага эга бўлган.

Араблар Бухоро воҳасига дастлабки юришлари ҳижрий 54 йилга (милодий 677 йилга) мансуб.

Дастлаб, вайронагарчиликлар келтириб чиқарган босқинчилик юришлари IX аср охирига келиб илгари сиёсий яхлитликка эга бўлмаган Сўғдга ягона ислом динини олиб келди.

Минг йиллар давомида жуда баланд ва мустаҳкам деворлар билан куршалган Арк-истехком-кўҳандиз шаҳарнинг ўзак қисмини ташкил этган. Аркнинг шарқий томонида шаҳар – шаҳристон жойлашган бўлиб, у ҳам

¹ Султонов Х. Бухоро – Буюк Ипак йўлидаги шаҳар // Мозийдан садо. – Тошкент, 2013. № 4. – Б. 9.

буржли девор билан ҳимояланган. Рабодларнинг ҳам деворлари бўлган ва улар ички ҳамда ташқи рабодга бўлинган. Аркнинг ғарбий этагида кенг Регистон майдони, унинг атрофида эса ўнта асосий давлат идоралари – девонлар жойлашган. Шу ерда қаср қад кўтарган. Регистонда, шунингдек, мусалло – Жомеъ масжиди ҳам бўлган. Сомонийлар даврида бу эски мусалло барча намозхонларни сиғдира олмагани боис 971 йилда қалъадан ярим фарсах (3-4 км) узоқликда янги мусалло – намозгоҳ қурилган. Бундан ташқари Жўйи Мўлиён анҳори ёнида яна бир шоҳ саройи ҳам тикланган.

Бухородаги Сомонийлар даври иншоотларидан фақат Сомонийлар мақбарасигина сақланиб қолган, бу Марказий Осиёдаги пишиқ ғиштдан қурилган энг қадимги мусулмон ёдгорлик иншооти саналади. Ушбу бино ўз маҳобати, ҳашами ва бадий нафислиги туфайли шарқ меъморчилигининг дурдонаси деб эътироф этилган.

X асрнинг охири – XI асрнинг бошида Бухоро Сомонийлар ва Қорахонийлар ўртасидаги талотўплар жараёнида бир неча марта қўлдан-қўлга ўтиб турган.

Гарчи, Сомонийлар мағлубияти билан Бухоро ўзининг сиёсий марказ сифатидаги олдинги куч-қудратини йўқотган бўлса-да, XI-XII асрларда барибир унинг аҳамияти катта эди. Қорахонийлар ҳукмдори Шамс ал-Мулк Бухорога яқин жойда саройи, боғлари, яйловлари бўлган Шамсобод кўриқхонасини барпо этади. Шаҳарнинг ўзида эса жума масжидининг янги биноси қад ростлаган (1069 й.) Шамс ал-Мулкнинг ворисларидан бири Арслонхон Муҳаммад арк ва шаҳар ташқи деворларини тиклади, янги минорали Жомеъ масжиди, иккита минора ва иккита сарой қурдирди. Саройлардан бири кейинчалик мадрасага айлантирилди, шаҳар ташқарисида ҳам намозгоҳ бунёд этилди. Ушбу иншоотлардан намозгоҳнинг меҳробли, сербезаклиги билан ажралиб турувчи ғарбий девори ҳамда Жомеъ масжиди минораси, яъни бутун дунёга машҳур Минораи Калон сақланиб қолган. Мазкур маҳобатли минора бошдан-оёқ ўйма гулли ғишт билан қопланган. У бугунги кунда ҳамда Бухоронинг бетакрор қиёфасига зеб бериб турибди.²

Мағоки Атторий масжиди ҳам XII асрга тааллуқли бўлиб, унинг ажойиб пештоқи ўз даври меъморий безагининг бойлиги ва хилма-хиллигини намойиш этади.

1220 йилда Бухорони мўғуллар босиб олгач, Жомеъ масжидини таҳқирладилар, шаҳар эса аёвсиз талон-тарож қилинди.

Қирқ йил давомида Бухоро харобазорга айланиб ётди ва фақат XII аср охирига келибгина шаҳар қайта тикланди, шу билан барабар қурилиш

² Султонов Х. Бухоро – Буюк Ипак йўлидаги шаҳар // Мозийдан садо. – Тошкент, 2013. № 4. – Б. 9.

санъати ҳам тараққий топди. Бизгача сақланиб қолган ёдгорликлар орасида энг машҳурлари Бухоронинг шарқий чеккасидаги Фатҳобод деган жойда қад ростлаган иккита мақбара ҳисобланади.

Ҳар иккала мақбара бой меъморий безакка эга, шайхнинг дахмаси эса бадиий ёғоч ўймакорлиги санъатининг энг ажойиб намунасини ўзида намоён этади.

Соҳибқирон Амир Темур Бухорони онасининг ватани сифатида хурмаъ қилар эди. Унинг ҳукмронлиги даврида бу ердаги Намозгоҳ масжиди қайта тикланди ва Чашмайи Аюб мақбараси қурилди. У 1383-1384 йилларда қадимги ва машҳур мазордаги пайғамбар Аюбнинг тахминий қабри устига қад ростлаган. “Чашма” номи эса унинг ичида жойлашган булоқ билан боғлиқ, яъни ушбу булоқ пайғамбар Аюбнинг ҳассаси теккан жойдан отилиб чиққан эмиш. 1404 йилнинг ноябрида испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихо Самарқанддаги Амир Темур саройидан қайтаётганида Бухорога кўниб ўтади. У шаҳарнинг қисқача таърифини келтириб, Бухоро қалъасининг катта бинолари, дон-дун, гўшт, мусаллас ва бошқа озиқ-овқатлар мўллигига эътибор қаратади.

Нақшбандия тариқатининг машҳур вакили Баҳоуддин Нақшбандийнинг Бухородаги фаолияти мана шу даврга тўғри келади.

Адабиётлар рўйхати

Султонов Х. Бухоро – Буюк Ипак йўлидаги шаҳар // Мозийдан садо. – Тошкент, 2013. № 4. – Б. 9.

Такриз

Ушбу мақола "Бухоро меъморий обидаларининг сайёҳлар учун аҳамияти" мавзусига бағишланган. Мақолада Бухоро тарихи ҳақида умумий маълумот берилди. Маълумотлар, айнан сайёҳларга тушунарли бўлиши учун шаҳар тарихи қисқача ифодалаб берилган. Унда, ҳукмронлик қилинган даврлар, Шаҳар ҳали Бухоро деб аталишидан олдинги номлари, дастлабки обидалар ва кейинчалик топилган меъморий ёдгорликлар, ўз навбатида машҳур алломалари ҳақида маълумотлар берилган.

Ушбу мақолага қўшича сифатида, Бухоро шаҳрининг бугунги қиёфаси ҳақида маълумот берилганида мақсадга мувофиқ бўлар эди. Зеро, шаҳардаги мисли кўринмаган ўзгаришлар, туризмнинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Мен Нозилов Д.А илмий раҳбар сифатида ушбу мақолани чоп этишга тавсия қиламан.

Илмий раҳбар:

Архитектура фанлари доктори профессор

_____ Нозилов Д.А